Анъаналар—халқ мулки

# МЕҲР-ОҚИБАТ МЕВАСИ

ЯНА бир қадимий, муборак удумимизга қайтадан ҳаёт бахш этилди. Бир неча кунгина аввал Горький номидаги маданият ва истироҳат боғида кенг нишонланган ушбу тадбир маҳаллаларда қизғин давом этаётир. У нафақат пишиқчилик, шунингдек, меҳр-оқибат, дўстлик байрами сифатида ҳам эътибор қозоняпти, дилларга қувонч, эртанги кунга умид бахш этяпти.

Чилонзор районидаги «Мевазор» маҳалласи чойхонаси мисоли тўйхонага айланди. Ўша куни у ерда «Одобнома» ва «Меҳржон»га бағишланган оқшом йиғини бўлиб ўтди. Мазмунли кеча шўх куй ва қўшиқларга уланиб кетди.

«Мевазор» маҳалласида ўтказилган кечага таниқли олимлар, юртнинг ҳурматли кишилари, кекса педагоглар ташриф буюришди. Кечани миллий анъаналаримизнинг куюнчак тарғиботчиси, элшунос олим, тарих фанлари номзоди Билол ака Аминов очди. У меҳр-оқибат, шафқат, ахлоқ ҳақида гапириб баъзи тўй-ҳашамларда йўл қўйилаётган исрофгарчиликлар хусусида алоҳида тўхталди. Увол деган сўзни бир дақиқа унутмаслик лозимлигини таъкидлади.

— Яхши ниятли ишлар бошланди, — деди «Новза» мачити имоми Омонуллахон домла. — Фарзанднинг ота-она олдидаги бурчини ёшларга доим уқтириб бориш даркор. Муқаддас китобларда «Эй бандаларим, ота-онанг ҳузурига кирганингда одоб билан ўтиргин. Отажон, онажон, менга қандай юмушингиз бор, буюринг де. Нима иш буюришса, бекаму-кўст бажаргин» дейилади. Ота-она фарзандига насиҳат қилиб ўзи ҳам шунга амал қилиб бориши керак. Ундан кейин қўни-қўшни, маҳалла-кўйга насиҳат қилса, маслаҳат берса арзийди.

Инсон учун ота-онадан кейинги энг азиз кишиси устозидир. Устознинг ҳам ҳурматини ҳамма вақт ўрнига қўйиш шартдир.

Ҳа, минг йиллар бурун ота-боболаримиз қолдирган нодир китобларимиз бўла туриб, шу панд-насиҳатлардан анча йиллар баҳраманд бўлолмадик. Шукрки, бой меросимизни чуқур ўрганадиган, уни халққа етказадиган вақт келди.

«Оқшом», ундаги «Одобнома» саҳифасида эълон қилинаётган мақолалар, «Меҳржон» ҳақидаги илк таассуротлар билан қизиқиб йиғилганларни суҳбатга тортамиз:

**Шодмонбек Отабоев, СССР Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи ва публицист:**

— Бу борада «Оқшом» хайрли ишни бошлади. «Одобнома» саҳифаси янада мазмунли бўлиши учун ҳаммага маълум гаплардан қочиш керак. Бу ҳақдаги баҳс-суҳбатлар бой маданий меросимиз, ўтмиш қадриятларимиз билан боғлиқ ҳолда олиб борилса, деган умиддамиз.

**Насрулло Саъдуллаев, «Мевазор» маҳалла комитети раиси, меҳнат кексаси:**

— «Оқшом» чиқа бошлаган кундан обунаман. Айниқса «Одобнома» саҳифаси ташкил этилиши улуғ иш бўлди. Янглишмасам, унда берилаётган мақолалардан кўпгина маҳалла комитетлари фойдаланади. Бундай дейишимнинг боиси Чилонзор районида 18 та маҳалла бор. Йиғилишларга борганимда шу ҳолни кўраман.

Маҳалламизда 530 та хонадон бор. Уларда уч ярим минг аҳоли истиқомат қилади. Биз 114-мактабда ҳар ойда бир марта ота-оналарни йиғиб фарзанд тарбияси, одоби ҳақида суҳбат ўтказамиз. Хулқи ёмон ўсмирларни ота-онаси олдида муҳокама қиламиз. Кўпинча катталарнинг айби билан боланинг хулқи бузилгани кўриниб қолади. Хатосини айтамиз. Бу ишимиз яхши натижа беряпти. Бунда юқорида айтганимдек педагог-олимларнинг «Оқшом»да эълон қилинаётган мақолаларидан кенг фойдаланяпмиз. Таклифим, бу борада ибратли ишлар олиб бораётган маҳаллалар тажрибаси кенг ёйилса, суҳбатлар, мунозаралар уюштирилса умум ишимизга нафи тегарди.

**Норқўзи Маматоев, жумҳурият маданият ходимлари малакасини ошириш институти тингловчиси:**

— Мен Андижон вилоятидаги «Болгария» қишлоқ клубида ишлайман. Бир ойлик ўқишга келган эдим. Шу бир ой ичида жуда кўп нарса ўргандим. Қани эди, меҳр-оқибатга чорловчи шундай тадбирлар барча вилоят, район ва қишлоқларимизда тез орада оммалашса. «Меҳржон» қайтадан дунёга келиб қалбларимизга эзгулик уруғини сочди. Халқимизнинг бой Одобнома мероси бор. Билол ака Аминовдек миллий маданиятимизнинг жонкуярлари бор экан, меросимиз аста-секин юзага чиқаверади.

Ҳа, бундай жонкуярларни ҳар қанча эъзозласак арзийди. Улар туфайли «Наврўз» кетидан «Меҳржон» уйқусидан уйғонди. Бу уйғониш қалбларга мусаффолик олиб келмоқда, инсоннинг инсонга бўлган оқибатини мустаҳкамламоқда.

Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.







⊙ СУРАТЛАРДА: «Одобнома» ва «Меҳржон»га бағишлаб ўтказилган кечадан лавҳалар.

Ҳ. Солиҳов суратлари.

Ёдномалар

## ГЕРМАНИЯДА ЎҚИГАН ЭДИ



ЖУМҲУРИЯТИМИЗНИНГ дастлабки кимёгар олимларидан бири Саттор Жабборовнинг умри қисқа, аммо сермаҳсул ва мазмунли ўтди. У ўттиз еттинчи йилнинг қатағон дарёсида ғарқ бўлди, чет элда ўқиб билим олгани, ўз даврининг етук олими ва педагоги бўлиб етишуви унинг бошига етди. Қалбига туккан кўпгина ажойиб орзу ва умидлари рўёбга чиқмай гуноҳкор номини олиб ҳатто «жосусликда» айбланди.

Ёшлигидан билимга ўч бўлган Саттор ака эски мактабни ҳам, янгисини ҳам кўрди. «Намуна» мактабида ўқиб юрган кезларида кўп нарсаларга қизиқди, ўткир зеҳни ва меҳнатсеварлиги туфайли ўртоқлари билан билимини ошириш ниятида Бухорога жўнади. Орадан бир йил ўтгач, 1922 йили у бир гуруҳ туркистонлик ёшлар билан Германияга ўқишга юборилади. Саттор Жабборов Берлин дорилфунунининг кимё куллиётини танлайди. Эндигина ўн етти баҳорни қаршилаган ёш Саттор бутун вужуди билан билим олишга, тил ўрганиш ва Европа маданиятидан боҳабар бўлишга интилади. Берлиндаги «Озод Шарқ» нашриётида туркистонлик талабалар томонидан нашр этиладиган ўзбекча «Кўмак» номли илмий, адабий ва ижтимоий журналнинг ишида фаол қатнашади. Вақти келиб ёшларимизнинг Ватанига қайтиб ерли миллат вакилларини маданиятнинг юксак чўққиларига интилишларига кўмаклашувлари, олган чуқур билимларини улашувлари ва илмни ривожлантиришга қўшган ҳиссалари кўп бўлганлигига ишонч ҳосил қиламиз. Аммо кўпчилигининг умри қисқа бўлиб, адоват қурбонлари бўлиб кетганликларидан озор чекамиз, куюнамиз. Аммо на чора...

Саттор ака ўттизинчи йили Берлин дорилфунунини тугатиб, шу илм даргоҳида Александр Гумбольдт стипендиати сифатида профессор Макс Боденштейн раҳбарлигида илмий иш олиб боради, диссертацияси устида изланади. 1931 йили Тошкентга қайтади. Ўрта Осиё давлат тиббиёт олийгоҳи биохимия кафедрасида ишлайди. 1932 йилдан 1934 йилгача шу кафедрага ва кейин умрининг охиргача (1937 йил) олий илм даргоҳининг анорганик кимё кафедрасига мудирлик қилади. У мана шу даврда педагоглик ва илмий ишини Тошкент политехника ва тўқимачилик олийгоҳларида баравариға олиб боради. Шунинг учун ҳам қисқа даврда бажарган илмий ишлари билан оммага тез танилади, катта ҳурмат ва иззатга сазовор бўлади.

Унинг шогирдларидан бири, академик Ёлқин Тўрақулов ўша даврларни эслаб, Саттор аканинг ниҳоятда юқори маданият эгаси, билимли, чуқур зеҳнли, меҳрибон ва ғамхўр бўлганлигини эслайди. Саттор ака ўзбек тилида чуқур ва мазмунли маърузалар ўқиб, ҳамманинг диққатини ўзига торта олиш каби хислатларга эга эди. Олимнинг илмий ишлари кимёвий моддалар синтезининг кинетикасини ўрганишга бағишланган бўлиб, реакциялар қайси тезлик билан бориши, қандай оралиқ моддалар орқали ўтиши ҳамда буларни тенгламалар орқали ифодалашни кўзда тутар эди. Изланишларнинг чуқурлиги, мураккаблиги, айниқса реакциялар механизмини аниқлаш борасидаги фикрлари москвалик олимларни ҳам қизиқтиради. Шунинг учун ҳам ишларининг йиғиндиси бўйича унга кандидатлик илмий даражаси берилади, доцентлик унвонига сазовор бўлади.

Саттор ака илмий-педагоглик ишлари билан бир қаторда таржимонлик билан ҳам шуғулланди. У ТошМИдаги «Таржимахона»да кўп бўлар, талабалар билан суҳбатлашар, қийин терминларни таржима қилишда уларга кўмаклашарди. Немис адабиётини ўзбекчага ўгиришда жуда кўп ишлар қилганди. У Фридрих Энгельснинг машҳур «Табиат диалектикаси»ни аслидан ўзбекчага таржима қилади. Немис кимёгари А. Вернернинг «Комплекс бирикмалар» асарини олимнинг она тилидан, «Коллоид кимё» китобини эса рус тилидан ўгиради. Русча-ўзбекча ва немисча-русча-ўзбекча кимёвий сўзликлар луғатини тузишга кўп куч сарфлайди. Ўша пайтларда Германия эришган катта илмий ютуқлардан халқимизни хабардор қилишдек вазифани олдига қўйиб, чин ватанпарварлик намуналарини кўрсатди. Саттор Жабборов маданиятимизнинг ўша пайтдаги кўзга кўринган вакиллари Отажон Ҳошим, Абдураҳим Шамсиев, Маҳмуд Ҳакимов, А. С. Волинский ва бошқалар билан яқин эди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси академиги, жумҳуриятда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, Беруний мукофоти лауреати, техника фанлари доктори, профессор Малик Набиевич Набиев, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, жумҳуриятда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, Беруний мукофоти лауреати, химия фанлари доктори, профессор Карим Содиқович Аҳмедов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, химия фанлари доктори, профессор Ҳусни Рустамович Рустамов ва бошқалар ҳам устоз ҳақида илиқ дил сўзларини айтишди.

Яқинда «Фан ва турмуш» ойномасининг масъул котиби, тарих фанлари номзоди Ҳусниддин Нурмуҳамедов билан Саттор ака оиласида бўлиб, қизлари Дилбархон опа ва уларнинг турмуш ўртоғи Қутбиддин ака Нурмуҳамедов билан суҳбатлашдик. Улар биргаликда Германия Демократик Жумҳуриятидаги «Висмут» руда конларидаги ишчиларни бир неча йиллар давомида даволаш билан шуғулланиб, ота изидан борганликлари, немис тилини яхшилаб ўрганиб олганликлари ва бу эса ўз навбатида дунё табобатидаги янгиликларни кечикмай билиб туришларида катта ёрдам қилаётганлигини айтиб ўтишди. Саттор аканинг турмуш ўртоғи Манзура ая билан ҳам узоқ суҳбатлашдик. Ая у кишининг юмшоқ характерли, принципиал, ўта билимдон, дилкаш ва меҳрибон ота ҳамда оила бошлиғи эканликларини эслайди. Ота қизлари Дилбархонга олтин соат тақдим этганликларини ҳам ая хотирларига олдилар. 1937 йил январидан кейин аянинг кўз ёшлари дарё бўлганлиги, фарзандлари тақдирини ўйлаб кечаларни уйқусиз ўтказганликлари ва ниҳоят ёруғ кунлар келганда кўзларининг бироз ногиронлашиб қолганлигини ҳам биламиз. Манзура аяга Саттор ака каби ажойиб кишиларимиз халқимиз ёдида доимо барҳаёт эканликларини эслатиб тасалли берамиз ва хайрлашамиз.

Ҳурматли олимимиз ҳаёт бўлганларида 85 ёшга кирган бўлар эдилар. Илм аҳли бу санани муносиб ҳисоблаб, Саттор Жабборов хотирасини абадийлаштириш борасида ҳам фикр ва мулоҳазалар билдирмоқда. Пойтахтда ҳамшаҳримиз номи билан юритиладиган кўча, мактаб ёки илм даргоҳи бўлиши айни муддаодир. Умрининг ўттиз иккинчи баҳорида, куч-қувват ва орзу-умидларга тўлиб, ўз халқига садоқат билан хизмат қилаётган бир вақтда ҳаётдан кўз юмган ҳамшаҳримиз номини абадийлаштириш биз тириклар қўлида. Бундан бўлак савоб ва хайрли иш борми?

Қудрат АҲМЕРОВ,

**Тошкент политехника илмгоҳи умумий ва анорганик кимё кафедрасининг мудири, химия фанлари доктори, профессор.**

## Сўранг, жавоб берамиз

**Биз Тошкент тайёрасозлик ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат қиламиз. Яқинда ТошДД талабаси бўлдик. Шу сабабли бизларни ишлаб туриб кечки ёки сиртқи олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқиётганлар учун белгиланган имтиёзлар қизиқтиради. Илтимос, шу ҳақда батафсилроқ маълумот берсангиз.**

**О. БОТИРОВ, Н. ҲАМИДОВ.**

СССР Вазирлар Кенгашининг 1959 йил 5 ноябрдаги қарорида ва Ўзбекистон ССР Меҳнат қонунлари кодексларининг XIII бобида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда кечки ёки сиртқи олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқиётган ишчи-хизматчиларга маълум имтиёзлар берилиши кўрсатилган. Шунга кўра ишлаб чиқаришда ишлаб туриб, кечки ёки сиртқи олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқиётган ишчи-хизматчиларга лаборатория ишларини бажариш ҳамда имтиҳонлар топшириш учун ҳақ тўланадиган таътил кунлари берилади. Унинг муддатлари сиртқи ўрта махсус ўқув юртларининг I ва II курсларида ўқиётганлар учун 10 иш куни, III ва ундан юқори курсларда ўқиётганлар учун 20 иш куни қилиб белгиланади.

Сиртқи олий ўқув юртларининг I ва II курсларида ўқиётганлар учун 30 иш куни, III ва ундан юқори курсларда ўқиётганлар учун эса 40 иш куни қилиб, кечки олий ўқув юртларининг I ва II курсларида ўқиётганлар учун 20 иш куни, III ва ундан юқори курсларда ўқиётганлар учун 30 иш куни қилиб белгиланган.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётганлар диплом ишларини ёзиш ва уни ҳимоя қилиш учун таътил кунларини олишга эгадирлар. Бунда ўрта махсус ўқув юртларининг ўқувчилари учун 2 ой, олий ўқув юртларининг талабалари учун 4 ой муддат берилади. Сиртқи ва кечки олий ўқув юртларида ўқиётганларга ўртача ойлик иш ҳақи ойига кўпи билан 100 сўм миқдорида, ўрта махсус ўқув юртларида ўқиётганларга ойига 80 сўм миқдорида тўланади.

Ўқув юртининг чақириш қоғози ўқиш муносабати билан ҳақ тўланадиган барча таътил кунларининг берилишига асос бўлиб хизмат қилади. Бундай ҳуқуқ имтиҳондан олдинги даврнинг ўқув режасини муваффақиятли бажарганларга берилади. Агар талаба зачёт ёки имтиҳонларни тўла топшира олмаган бўлса ҳам унинг иш ҳақидан ушлаб қолинмайди. Ўқув планини бажармаган ва ҳақ тўланадиган қўшимча таътил кунларни олиш ҳуқуқига эга бўлмаган, лекин лаборатория-имтиҳонга ўзича ёки олий ўқув юртининг билдириш хати билан келган сиртдан ўқиётган талабалар ўқитувчиларнинг қўшимча дарсларга ва имтиҳонларни белгиланган тартибда топширишга қўйилади, бунда уларга жорий йил учун ҳақ тўланадиган отпуска берилмайди.

Ишчи-хизматчи ўқув отпускаси даврида касал бўлиб қолса, унга умумий асосларда меҳнатга қобилиятсизлик варақаси берилади. Таътил кунлари ёки унинг бир қисми эса ишчи-хизматчи имтиҳонларни топшира оладиган бошқа варақага кўчирилади.

Абдужалил ҲАСАНОВ,
ҳуқуқшунос.

## Советлар мамлакатида

⊙ ЧЕХОВ. (Москва вилояти). Москва Олий партия мактабининг 110 нафар тингловчиси куни кеча қўлларига белкурак ва паншахаларни олдилар. Улар кескинлашган сиёсий кураш майдонида ўзларини ҳимоя қилишдан кўра, «Ленин байроғи» жамоа хўжалигида етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олишни афзал кўрдилар. Улар бу хўжаликда икки минг тоннага яқин картошкани кавлаб оладилар. Москва олий партия мактаби коммунист тингловчиларининг бошланғич партия ташкилоти шундай қарор қабул қилди ва уни олий ўқув юртининг партия комитети маъқуллади.

⊙ КРАСНОДАР. Ўлка ҳудудида ҳосил ўрими суръатлари ниҳоятда пастлиги сабабли фавқулодда ҳолат жорий этилди. Кубань халқ депутатлари кенгашларининг раёсатлари ва ижроия комитетларига уларнинг қарорларини бажармаган ходимларни эгаллаб турган лавозимларидан бўшатиш ва ҳосилни қутқаришга доир фармойишлар чиқариш ҳуқуқи берилди. Пландан ташқари картошка, мева ва сабзавотни бошқа жойларга етказиб бериш ҳамда сотиш таъқиқланди.

⊙ МИНСК. «Народная газета»нинг биринчи сони чиқди. Кейинги вақтларда пайдо бўлган кўпдан-кўп нашрлар ичида уни ҳам пайқамаслик мумкин эмас. У Белоруссия ССР Олий Кенгашининг органидир. Ундаги материалларнинг бир қисми белорус тилида, бир қисми эса рус тилида босилмоқда.

(ТАСС).

Келажагимиз—мактабда

## ЯХШИ ТУШУНГАН ОТА-ОНАЛАРСИЗ

### яхши тарбия бўлмайди

Ҳар бир касб эгасининг ўз вазифаси, хизмат доираси бор. Аммо барча учун баб-баравар тааллуқли бир соҳа ҳам мавжудки, ундан асло кўз юмиб бўлмайди. Бу фарзандларимизни, ёшларни тарбиялаш бурчи, уларнинг келажаги учун жавобгарлик масъулиятидир.

Тарбия кишини фақат четдан бўладиган ёмон таъсирдан сақлабгина қолмай, балки қобилият, билим, ахлоқий поклик сари етаклайди, инсонни улуғлайди ва уни маънавий камолотга етказади.

Ҳаётда ҳар бир киши ўзига-ўзи ҳисоб бериши, жамоа олдидаги бурчини ҳис қилиши, оилада, жамиятда тутган ўрнини англаб етиши лозим. Шундагина кишининг олган тарбияси ижтимоий ҳаёт таъсири орқали намоён бўлади. Умуман, бола тарбиясида ота-она ва ўқитувчиларнинг роли ғоят каттадир. Улар боланинг онгига, билимига, ахлоқига таъсир ўтказадилар. Натижада болаларда ижобий хислатлар таркиб топади, киши учун ёт бўлган салбий хусусиятларга барҳам берилади. Ёшликда ҳосил қилинган хулқ киши қалбида тошга ўйиб қўйилгандек абадий қолади.

Ёшларимизга тарбиявий таъсир ва ибрат кўрсатиш ота-оналар учун ҳам, ўқитувчилар учун ҳам ғоят фахрли иш. Лекин, баъзи ота-оналар ёки ёш ўқитувчилар тарбиянинг муҳим томонларини ҳисобга олмайдилар. Болаларни амалий жиҳатдан ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлашдан узоқда бўладилар. Бу эса ёшларни дангаса, ишёқмас қилиб қўяди. Бундай ҳолатдан ота-она ҳам, жамиятимиз ҳам катта зарар кўради.

Ёшларда илм ва ҳунарга қизиқиш уйғотишда гап кўп. Чунки, ҳар бир ёш йигит-қизимиз илмли, ҳунарли бўлса, ота-онаси учун ҳам, жамиятимиз учун ҳам ва қолаверса ўзи учун ҳам фойда келтиради. Буни амалга ошириш учун ота-оналар, жамоатчилик оқилона иш тутиши керак.

Энди ҳаётий мисолларга мурожаат этайлик. Сағбон кўчасининг Ҳуррият тор кўчаси, 6-уйда Азиз ака Долимовлар оиласи истиқомат қилади. У кишининг етти фарзанди бўлиб, уларнинг ҳаммаси олий маълумотлидир. Жумладан, иккитаси шифокор, бири муҳандис, бири Тошгазда лаборант, қолганлари ҳам турли лавозимларда ишлашади. Тўрт келиннинг ҳаммаси шифокор.

Иккинчи Чимбой кўчасида яшовчи Карим ака Раҳимовнинг ҳам етти фарзанди бўлиб, деярли ҳаммаси ўрта маълумотли. Карим аканинг уч ўғли қурилишда, бир ўғли, бир қизи ошхонада, бир қизи, икки келини эса чинни заводида меҳнат қилишади. Долимовлар ва Раҳимовлар оиласининг турмуш шароитларида деярли ҳеч қандай фарқ йўқ десак янглишмаган бўламиз. Бу икки аҳил ва тотув оиланинг бири илмдан, иккинчиси эса меҳнатдан бахт топган оилалар.

Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, айрим ота-оналаримизнинг 6-7 фарзандлари бўлса-да, улар на ўқиб илм эгаллашади ва на бир ҳунар эгаси бўлиб халққа фойдалари тегади. Ҳаётимизда жуда оз бўлсада шундай оилалар учраб туради. Бундай ҳолатда ота-онани ҳам, мактабни ҳам айбдор десак тўғри бўлади. Мактабда олиб борилаётган тарбиявий ишлар кўп жиҳатдан ўқувчиларга ёшликдан илм ва ҳунарга муҳаббат уйғотиш йўналишида олиб борилаётгани ҳам бежиз эмас. Шу жиҳатдан олганда келажакнинг эгалари бўлган ёшларни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш фикри ота-оналар ва ўқитувчиларнинг доимий эътиборида бўлиши лозим.

Албатта, ўқитувчи ўз қўлида билим олаётган ўқувчисининг хулқи, қандай ўқишини яхши билади. Ҳозир жумҳуриятимизнинг кўп мактабларида илғор педагогик тарбияга асосланиб «иккисиз», «икки йилликсиз» ўқитиш усулига алоҳида аҳамият берилмоқда. Бироқ айрим ўқувчилар ўқишда ҳам, меҳнатда ҳам ўзларини кўрсата олмаётирлар. Бу каби иродаси бўш, салбий хусусиятга эга бўлган ўқувчилар озчиликни ташкил этса ҳам улар аксарият ҳолларда ота-оналар ва ўқитувчиларнинг назоратидан четда қоладилар.

Таъкидлаб ўтиш жоиз, болалар тарбиясида жамоатчиликнинг таъсири ҳам катта. Юқоридаги каби ҳолларда маҳалла-кўй, ён-атрофдаги қўшнилар ҳам қўл қовуштириб ўтирмасдан, бола тарбиясининг тўғри йўлга тушиши учун куюнчаклик билан ҳаракат қилишлари лозим. Бироқ, бола тарбиясидаги энг масъулиятли вазифа аввало, ота-она бўйнидадир. Бас, шундай экан, алломанинг «Мактаблар кўплигига қарамай, яхши тушунган ота-оналарсиз яхши тарбия бўлмайди», деган сўзларнинг мағзини чақмоқ лозим.

Ҳа, ёшларимизнинг келажаги мактабдан бошланади. Ўқувчиларга пухта билим бериш билан бирга уларнинг ижобий ва салбий хусусиятларини синчковлик билан кузатиб бориш, лозим бўлса тўғри йўл-йўриқ кўрсатиш, ота-оналар ҳамкорлигида ёшларни ҳаётга тайёрлаш ўқитувчи ва жамоатчиликнинг чин дилдан жон куйдирадиган ва севимли иши бўлмоғи керак.

**Фахриддин НУРИДДИНОВ,**
**жумҳурият халқ таълими аълочиси, шахсий пенсионер.**



⊙ КЎЛ БЎЙИДА.

ТАСС сурат-лавҳаси

